

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ
ИНСТИТУТИ

"ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ МАТЕМАТИК
МОДЕЛЛАШТИРИШ"

ФАНИ БЎЙИЧА

МАЪРУЗА МАТНИ

(5A540510 - Пахтага дастлабки ишлов бериш
мутахассислиги бўйича магистрлар учун)

Тошкент- 2009 йил

А Н Н О Т А Ц И Я

Технологик жараёнларни математик моделлаштириш фани олий ўқув юртлар талабаларини ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали, замонавий компьютер технологиясини чуқур тадбиқ қила оладиган магистрлар етиштиришда катта аҳамиятга эгадир.

Ушбу маъруза матнида технологик жараёнларни илмий тадқиқот қилувчи пахтага дастлабки ишлов бериш ихтисосликдаги изланувчилар, аспирантлар ва талабалар учун мўлжалланган бўлиб, бунда илмий изланишлар усуллари, математик моделлаштириш элементлари, назарий ва тажрибавий моделлар мисоллар кўринишида келтирилган.

Тошкент тўқимачилик ва енгил
саноат институти илмий-услубий
кенгашида тасдиқланган
" ____ " _____ 200 йил

баённома _____

Тузувчи: Техника фанлари доктори, профессор Маматов А.З.
Техника фанлари номзоди, доцент Усмонокулов А.К.

Тақризчилар: Назиров Ш. – «Ахборот технологияси»
университети профессори, т.ф.д.
Салимов А. - ТТЕСИ, "Пахтани дастлабки ишлаш"
кафедра доценти, т.ф.н.

ТТЕСИ босмахонасида " ____ " нусхада кўпайтирилган.

1- Маъруза

Илмий изланишлар турлари ва босқичлари

Маъруза режаси:

1. Кириш. Тадқиқотлар ва уларнинг турлари.
2. Пахтага дастлабки ишлов бериш муаммолари.
3. Илмий изланишлар босқичлари.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т., "Ўзбекистон", 1994 й.
2. А.Г. Севостьянов. "Методы и средства исследования механико-технологических процессов текстильной промышленности". М., "Легкая индустрия", 1980, 3-15 бетлар.

1. Кириш. Тадқиқотлар ва уларнинг турлари.

Халқ хўжалигини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни қайта мослаш ва янгилаш, ишлаб чиқариш ускуналаридан унумли фойдаланиш, бу соҳада олиб бориладиган илмий, техникавий изланишларни етарли даражада олиб боришни талаб қилади.

Технологик жараёнларни математик моделлаштириш фани барча йўналишлари учун шу жумладан пахтага дастлабки ишлов бериш мутахассислиги магистрлари тайёрлашда асосий умумкасбий фанларидан бири ҳисобланади.

Бу фанни ўзлаштиришда талабалар умумматематика фанларидан: яъни олий математика, информатика, амалий математика ва умумкасбий фанларидан ўзлаштирган билимларига асосланади.

Технологик жараёнларни математик моделлаштириш фанини ўрганиш жараёнида талаба илмий изланишлар олиб боришда ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган моделлаштириш услублари ва замонавий тадқиқотлар воситаларидан бири бўлмиш, электрон ҳисоблаш машиналарида ишлаш, ЭХМ амалий программаларидан фойдаланишни билиши, олган билимларини умумкасбий ва махсус фанларни ўзлаштиришда, илмий тадқиқот ишларини олиб боришда тадбиқ эта олиш зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида бошқа саноатлар қатори пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини таъминлаш учун, тола, чигит, момик ва бошқа маҳсулотларнинг бошланқич сифат кўрсаткичларини сақлаб қолишга катта аҳамият бермоқда, бу эса табиий толаларни дастлабки ишлаш муаммолари

бўйича изчил илмий тадқиқотлар олиб бориш керак эканлигини тақозо этади.

Умуман, илмий изланишлар 3 хил усулда олиб борилади: назарий, тажрибавий, назарий-тажрибавий.

Назарий тадқиқотлар олдидан маълум бўлган физик - механик қонуниятларга асосланса, тажрибавий тадқиқотлар эса технологик жараёнини синов натижасида, тажрибалар ўтказиш орқали олиб борилади.

Назарий-тажрибавий усулда ҳам назарий маълумотлар, ҳам тажриба натижалари эътиборга олинади, бу эса технологик жараёнини чуқурроқ ўрганишга имкон беради.

2. Пахтага дастлабки ишлов бериш муаммолари

Пахтага дастлабки ишлов бериш муаммоларида қуйидаги масалалар ҳал қилинади:

1. Чигитли пахта толаларини сифатини сақлаш, жараёнини эффективлигини ошириш, пахтага дастлабки ишлов бериш машиналарини такомиллаштириш ва жараёнини автоматлаштириш мақсадида, назарий-тажрибавий усул ёрдамида, технологик жараёнининг қонуниятларини аниқлаш ва машина ва механизмларини оптимал режимларини аниқлашдан иборат.

2. Янги машиналарни яратиш, тажрибавий усул ёрдамида уларни ишончлилигини, узоқ ишлаш вақтини, ишлатишга қулайлигини ва чиқарилаётган маҳсулот сифатини аниқлаш.

3. Технологик жараёнларни такомиллаштириш ва янгиларини яратиш устида олиб бориладиган илмий тадқиқот ишлари.

4. Технологик жараёнини ўрганиш ва уларни моделлаштириш учун янги услуб ва воситаларини яратиш.

3. Илмий изланишлар босқичлари

Назарий-тажрибавий илмий ишлар қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Мавзунини танлаш ва асослаш.
2. Тайёргарлик босқичи.
3. Технологик жараёнини назарий таҳлил қилиш.
4. Дастлабки тажрибаларни тайёрлаш ва ўтказиш
5. Асосий тажрибани ўтказиш.
6. Математик моделларини қуриш.
7. Назарий ва тажрибавий натижаларни таҳлил қилиш.
8. Хулоса ва таклифлар.

Тажрибавий усулда эса 3-босқичдан ташқари бошқа босқичлар амалга оширилади.

Қидирув-тадқиқот ишларида қуйидаги босқичлар амалга оширилади:

1. Тайёрлаш босқичи.
2. Мавзунинг назарий қисмини яратиш.
3. Моделни синаш, конструкцияга ва технологияга керакли ўзгартиришлар киритиш.
4. Макетларни лойиҳалаш ва тайёрлаш.
5. Дастлабки тажрибани тайёрлаш ва ўтказиш.
6. Асосий тажрибани ўтказиш.
7. Назарий-тажрибавий ва синаш тадқиқотларини таҳлил қилиш, кўрсатмалар бериш.
8. Машинани тажрибавий намунасини лойиҳалаш учун керакли техник кўрсатмалар бериш.

Назорат саволлари:

1. Тарақиётда ушбу курснинг аҳамияти.
2. Тадқиқотлар ва уларнинг турлари.
3. Табиий толаларни дастлабки ишлаш муаммолари.
4. Илмий изланишлар босқичлари.
5. Назарий - тажрибавий илмий ишлар босқичлари.
6. Тажрибавий илмий ишлар босқичлари.
7. Қидирув-тадқиқот ишлар босқичлари.

2-Маъруза

Технологик жараёнларни моделлаштириш элементлари

Маъруза режаси:

1. Технологик жараёнларни математик кўринишда ифодалаш.
2. Моделларни куриш усуллари.
3. Оптимизация масаласи.

Адабиётлар:

1. А.Г. Севостьянов. "Методы и средства исследования механико-технологических процессов текстильной промышленности". М., "Легкая индустрия", 1980, 16-23 бетлар.
2. А.Г. Севостьянов, А.Г. Севостьянов. "Оптимизация механико-технологических процессов текстильной промышленности". М., "Легпромбыздат", 1991, 6-22 бетлар.

1. Технологик жараёнларни математик кўринишда ифодалаш

Тўқимачилик, пахтачилик ва енгил саноат технологик жараёнлари мураккаб жараёнлар бўлиб, улар бир-бири билан боқланган кўп факторларнинг ўзгаришларига боқлиқдир. Шунинг учун бу жараёнларни илмий тадқиқот қилиш математик моделлар асосида амалга оширилади.

Умумий ҳолда математик моделларни қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

$$Y = F(X)$$

бу ерда: $Y(y_1, y_2, \dots, y_k)$ - чиқувчи факторлар бўлиб, жараённинг ўрганилаётган хусусиятларини,

$X(x_1, x_2, \dots, x_k)$ - кىрувчи факторлар бўлиб, жараёнга таъсир этувчи параметрларни,

F - оператор (функция) бўлиб чиқувчи факторни кىрувчи факторларга нисбатан боқланишини ифодалайди.

Математик модел кўрилатган технологик жараённи адекват ифодалайди дейилади, агарда берилган аниқликда жараённи ўзгаришини аниқласа.

Математик моделлар ўзларининг хусусиятларига кўра қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

1. Агар кирувчи параметрлар X ёки функция F аргументларга боқлиқ бўлмаса, бундай модел статистик модел акс ҳолда яъни аргументларга боқлиқ бўлса, динамик модел дейилади. Статистик моделлар алгебраик тенгламалар системаси кўринишида берилса, битта аргументга боғлиқ бўлган динамик моделлар оддий дифференциал тенгламалар кўринишида, кўп аргументли динамик моделлар эса хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар кўринишида берилади.

2. Хусусияти бўйича моделлар эҳтимолли ёки детерминлашган моделлар бўлиши мумкин. Эҳтимолли куйидаги кўринишда бўлади:

а) Агар чикувчи фактор тасодифий, кирувчи фактор эса тасодифий бўлмаса, бундай моделларга регрессион моделлар дейилади.

Регрессион моделлар тажриба натижаларини қайта ишлаш натижасида қурилиб, алгебраик функцияларни турли хилларидан фойдаланилади.

б) Агар кирувчи ва чикувчи параметрлар маълум бир қонуният бўйича ўзгарувчи тасодифий миқдорларни ифодаласа, бундай моделларга корреляцион моделлар дейилади. Масалан, чикувчи параметрларнинг ўртача қийматлари бўйича қурилган математик моделлар.

Детерминлашган моделларда кирувчи параметрларнинг тасодифий хусусиятлари инобатга олинмайди, чикувчи параметр эса оператор ва факторлар орқали бир қийматли аниқланади. Бу моделларни қуришда алгебраик, дифференциал, интеграл ва ҳақозо тенгламалардан фойдаланилади.

3. Моделнинг чизиқлилиқ хоссаси. Математик модел чизиқли дейилди, агарда функция чизиқли бўлса:

$$F(x+\Delta x)=F(x)+F(\Delta x)$$

акс ҳолда модел чизиқли эмас дейилади.

Масалан:

$$Y_R=b_0+b_1X_1+.....+b_iX_i+.....+b_mX_m$$

-чизиқли модел,

$$Y_R=b_0+b_1X_1+.....+b_iX_i+.....+b_mX_m+b_{12}X_1X_2+.....+b_{ij}X_iX_j+.....+b_{m-1,m}X_{m-1}X_m$$

-чизиқсиз моделга мисол бўла олади.

2. Моделларни қуриш усуллари

Маълумки математик моделлар назарий, тажрибавий ва назарий-тажрибавий усуллар ёрдамида қурилиши мумкин.

Назарий усуллар физика, механика қонуниятларига асосланса, тажрибавий усул эса тажриба натижаларини бевосита қайта ишлаш натижасида амалга оширилади.

Математик моделларини тажрибавий усулда қурилиши "пассив" ва "актив" тажриба кўринишида бўлиши мумкин. Пассив тажрибада технологик жараён тўқрисидаги маълумотлар кўрилатган объектни нормал ҳолатда ишлаш пайтидаги натижалардан фойдаланилади.

Актив тажрибада эса кирувчи факторларни қийматларини планлаштириш матрицаси ёрдамида ўзгартириб ҳар хил натижалар олинади ва тажриба натижаларини қайта ишлаш натижасида моделлар қурилади.

Илмий изланиш олиб борилаётганда чикувчи ва кирувчи параметрлари танлаб олиш катта аҳамиятга эгадир. Чикувчи параметрлар сифатида, одатда изланиш объектини ва олинаётган маҳсулотни сифатини ҳарактерловчи техник-технологик кўрсаткичлар (физикавий, механикавий, физик-кимёвий...), техник -иктисодий (иш унумдорлиги, чидамлиги, узоқ ишлаши), иктисодий (машиналарнинг иш унумдорлиги, фойда, харажатлар), статистик кўрсаткичлар (дисперсия, вариация коэффициенти ва х.з) олинади.

Кирувчи параметрлар эса изланиш объектини сифат ва миқдорий кўрсаткичларини ифодалаб, технологик жараёнга таъсир этувчи ўзгарувчи факторлардир.

Агар тажриба битта кирувчи параметр асосида олиб борилса- бир факторли эксперимент, икки ва ундан ортиқ кирувчи параметрлар асосида ўтказилса- кўп факторли эксперимент дейилади.

Кўп факторли тажрибада факторлар бир-бирига боқлиқ бўлмаслиги ва ўзаро биргаликда бўлишлиги керак.

Кирувчи параметрларнинг ўзгариш оралиқини тўқри аниқлаш ҳам катта аҳамиятга эгадир:

$$(X_{\min} \leq X_i \leq X_{\max})$$

Бунда жараённинг физик хусусиятларига ва олдин олиб борилган илмий изланишларга асосланади.

3. Оптимизация масаласи

Кўп ҳолларда математик моделлар оптимизация масаллари кўринишида бўлади.

Оптимизация -бирор шартлар асосида энг яхши натижалар олинишининг мақсадли йўналишидир.

Масалани умумий кўриниши:

$$F(X,A,\xi,\delta) \text{ ----- } \max(\min)$$

қуйидаги шартлар асосида

$$\begin{aligned} g_1(X, A, \xi, \delta) &\geq 0 \\ g_2(X, A, \xi, \delta) &\geq 0 \\ &\dots\dots\dots \\ g_{k+1}(X, A, \xi, \delta) &\geq 0 \end{aligned}$$

бу ерда

- $F(X, A, \xi, \delta)$ - мақсадли функция;
- $X(x_1, x_2, \dots, x_n)$ - бошқарилувчи ўзгарувчилар (температура, иш унумдорлиги ва х.к);
- $A(A_1, A_2, \dots, A_s)$ - бошқариб бўлмайдиган ўзгарувчилар. Булар иш жараёнида ўз қийматларини ўзгартирмайдиган параметрлардир (машиналарни геометрик ўлчамлари ва х.к);
- $\xi(\xi_1, \xi_2, \dots, \xi_m)$ - тасодифий ўзгарувчилар. Булар технологик жараёнда қийматлари бирор тақсимот қонунига бўйсинувчи тасо дифий қийматларни қабул қилади. Уларнинг аниқ қийматлари маълум эмас. (Аралашмадаги толаларнинг хараakterистикалари, чизиқли зичлиги, ипларни узилишлар сони ва х.з);
- $\delta(\delta_1, \delta_2, \dots, \delta_r)$ - аниқмас ўзгарувчилар. Технологик жараёнда қийматлари аниқ бўлмаган ўзгарувчилардир. (Кейинги йил ҳосилининг ифлослиги, янги маҳсулотга талаб ва х.з).

F ва g ларни кўринишига қараб оптимизация масалалари хар хил бўлади:

1. Математик программлаштириш масалалари:

$$\begin{aligned} F(X, A) &\text{---} \min(\max) \\ g_i(X, A) &\geq 0 \quad \overline{i=1, k} \\ g_i(X, A) &= 0 \quad \overline{i=k+1, n} \end{aligned}$$

2. Параметрик программлаш масалалари:

$$F(X, A(t)) \text{---} \min(\max)$$

$$g_i(X, A(t)) \geq 0 \quad i=1, k$$

$$g_i(X, A(t)) = 0 \quad \overline{i=k+1, n}$$

$A(t)$ - вақтга боқлиқ бўлган маълум функция.

3. Стохастик программалаш масалалари.

Моделларда тасодифий ўзгарувчилар- ξ қатнашади.

4. Статистик ўйинлар масалалари. Бу масалаларда қийматлари аниқ бўлмаган δ ўзгарувчилар қатнашади.

Кўп ҳолларда оптимизация масалалари юқорида келтирилган масалаларнинг комбинацияларидан ташкил топган бўлиши мумкин.

Назорат саволлари:

1. Математик моделнинг умумий кўриниши.
2. Моделлар турлари.
3. Моделларни қуриш усуллари.
4. Пассив ва актив эксперимент.
5. Чиқувчи ва кирувчи параметрлар.
6. Оптимизация масаласи ва унинг умумий кўриниши.
7. Оптимизация масалалар турлари.

-МАЪРУЗА

ЧИЗИҚЛИ ВА ЧИЗИҚСИЗ АЛГЕБРАИК ТЕНГЛАМАЛАР СИСТЕМАСИНИ ЕЧИШ

Режа:

1. Векторлар ва матрицалар хақида баъзи бир маълумотлар.
Масаланинг қўйилиши.
2. Гаусс усули.
3. Бош элементлар усули.
4. Оддий итерация усул.
4. Чизиқли бўлмаган тенгламалар системаси учун кетма-кет яқинлашиш усули.

АДАБИЁТЛАР

1. Ш.Ш. Шоҳамидов. Амалий математика унсурлари.
Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997й, 22-47 бетлар.
2. Исроилов М. Ўйсовлаш методлар. Тошкент “Ўқитувчи” 1988й.

3. Демидович Б.П, Марон И.А. Основы вычислительной математики. М. "Наука", 1972, 268-314 бетлар.
4. Копченкова Н.В, Марон И.А. Вычислительная математика в примерах и задачах. М., "Наука", 1972 й.

ВЕКТОРЛАР ВА МАТРИЦАЛАР ХАКИДА БАЪЗИ-БИР МАЪЛУМОТЛАР. МАСАЛАНИНГ КУЙИЛИШИ

Тенгламалар системаларини ечиш усулларини кўраётганимизда керак буладиган векторлар ва матрицалар ҳақида асосий маълумотларни келтирамиз.

"n" ўлчовчи векторлар устида амалларни кўрайлик.

1) Векторни "λ" сонга кўпайтмаси қуйидагича аниқланади:

$$\lambda(x_1, x_2, \dots, x_n) = (\lambda x_1, \lambda x_2, \dots, \lambda x_n),$$

2) $(x_1, x_2, \dots, x_n)$ ва $(y_1, y_2, \dots, y_n)$ векторларнинг йиғиндиси ва айирмаси эга қуйидагига тенг:

$$(x_1, x_2, \dots, x_n) \pm (y_1, y_2, \dots, y_n) = (x_1 \pm y_1, x_2 \pm y_2, \dots, x_n \pm y_n)$$

3) "n" - ўлчовли векторнинг модули деб қуйидаги сонга айтилади:

$$|x| = \sqrt{x_1^2 + x_2^2 + \dots + x_n^2}.$$

4) Скаляр кўпайтма эса қуйидагича аниқланади:

$$xy = x_1y_1 + x_2y_2 + \dots + x_ny_n$$

Баъзи бир ҳолларда битта вектор ўрнига векторлар системаси билан ишлашга тугри келади. Бундай векторлар системаси координаталари тугри бурчакли жадвал қурилишига эга бўлади, уни матрица деб аталади. Матрица элементлари иккита номерли (индексли) битта ҳарф оркали ифодаланади, масалан a_{ij} . Буларнинг биринчиси сатр номерини, иккинчиси эса устун номерини билдиради.

Купинча устунлари ва сатрлари сони бир хил бўлган матрицалар учрайди. "n" та устун ва "n" та сатрдан иборат матрицани "n"-тартибли квадрат матрица дейилади.

Матрицалар устида амаллар оддийгина аниқланади. Бизга кейинчалик факат матрицани векторга купайтириш ва уларнинг купайтмаси керак бўлади, шуларни аниқлаймиз.

1) Матрицанинг векторга купайтмаси деб шундай вектор устунга айтиладики, унинг координаталари матрица сатрларидаги векторларни берилган вектор устунга скаляр купайтмаларидан иборат яъни

$$\begin{pmatrix} a_{11}a_{12}\dots a_{1n} \\ a_{21}a_{22}\dots a_{2n} \\ \dots \\ a_{m1}a_{m2}\dots a_{mn} \end{pmatrix} \times \begin{pmatrix} b_1 \\ b_2 \\ \dots \\ b_n \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} c_1 \\ c_2 \\ \dots \\ c_m \end{pmatrix},$$

бу ерда

$$c_1 = a_{11}b_1 + a_{12}b_2 + \dots + a_{1n}b_n,$$

$$c_2 = a_{21}b_1 + a_{22}b_2 + \dots + a_{2n}b_n,$$

$$\dots,$$

$$c_m = a_{m1}b_1 + a_{m2}b_2 + \dots + a_{mn}b_n.$$

2) Матрицаларнинг купайтмасини соддалик учун квадрат матрицалар учун аниқлаймиз. Икки бир хил тартибли квадрат матрицаларнинг купайтмаси деб шундай квадрат матрицага айтиладики, унинг элементлари биринчи матрица сатрларини иккинчи матрица устунларидаги элементлар скаляр купайтмасидан иборат, яъни

$$\begin{pmatrix} a_{11}a_{12}\dots a_{1n} \\ a_{21}a_{22}\dots a_{2n} \\ \dots \\ a_{n1}a_{n2}\dots a_{nn} \end{pmatrix} \times \begin{pmatrix} b_{11}b_{12}\dots b_{1n} \\ b_{21}b_{22}\dots b_{2n} \\ \dots \\ b_{n1}b_{n2}\dots b_{nn} \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} c_{11}c_{12}\dots c_{1n} \\ c_{21}c_{22}\dots c_{2n} \\ \dots \\ c_{n1}c_{n2}\dots c_{nn} \end{pmatrix}.$$

бу ерда

$$c_{11} = a_{11}b_{11} + a_{12}b_{21} + \dots + a_{1n}b_{n1},$$

$$c_{12} = a_{11}b_{12} + a_{12}b_{22} + \dots + a_{1n}b_{n2},$$

$$\dots,$$

$$c_{21} = a_{21}b_{11} + a_{22}b_{21} + \dots + a_{2n}b_{n1}$$

$$\dots$$

ва умуман

$$c_{ik} = a_{i1}b_{1k} + a_{i2}b_{2k} + \dots + a_{in}b_{nk},$$

яъни i -сатр ва k -устундаги элемент биринчи матрица i -сатрини иккинчи матрица k -устунига скаляр купайтмасига тенг.

Асосий диагоналидаги элементлар бирга барча колганлари эса нолга тенг булган квадрат матрица муҳим аҳамиятга эга. Бундай матрицани бирлик матрица дейилади ва E билан белгиланади:

$$E = \begin{pmatrix} 1 & 0 & \dots & 0 \\ 0 & 1 & \dots & 0 \\ \vdots & \vdots & \ddots & \vdots \\ 0 & 0 & \dots & 1 \end{pmatrix}$$

Бундай матрица "бирлик" деб аталишига асосий сабаб ихтиерий квадрат матрица A учун

$$A^*E = E^*A = A$$

ТЕНГЛИК ўринли.

Купчилик холларда тескари матрица тушунчаси ҳам ишла-тилади. А матрицага тескари A^{-1} матрица деб шундай матрицага айтиладики, унинг учун

$$A * A^{-1} = A^{-1} * A = E$$

тенглик ўринли бўлади.

Юқорида келтирилганлардан фойдаланиб чизиқли тенгламалар системасини матрицалар ёрдамида ифодалаймиз.

[illegible]

система берилган бўлсин. А билан номаълумлар олдидаги коэффициентлардан ташкил топган матрицани белгилаймиз:

$$A = \begin{pmatrix} a_{11} & a_{12} & \dots & a_{1n} \\ a_{21} & a_{22} & \dots & a_{2n} \\ \vdots & \vdots & \ddots & \vdots \\ a_{n1} & a_{n2} & \dots & a_{nn} \end{pmatrix}$$

В-билан озод хадлардан иборат вектор устунни, Х- билан эса номаълумлардан иборат вектор устунни белгилаймиз:

$$\mathbf{B} = \begin{pmatrix} \mathbf{b}_1 \\ \mathbf{b}_2 \\ \cdots \\ \cdots \\ \cdots \\ \mathbf{b}_n \end{pmatrix}; \quad \mathbf{X} = \begin{pmatrix} \mathbf{x}_1 \\ \mathbf{x}_2 \\ \cdots \\ \cdots \\ \cdots \\ \mathbf{x}_n \end{pmatrix}$$

У холда (1) берилган система кўйидагича ёзилади:

$$A \cdot X = B \quad (2)$$

Математик моделлаштиришнинг кўпгина масалалари чизикли алгебраик тенгламалар системасини ечишга олиб келади.

Чизикли алгебраик тенгламаларни ечиш асосан икки- аниқ ва итерацион усулларга бўлинади.

Аниқ усул деганда шундай усул тушуниладики, унинг ёр-дамида чекли микдордаги арифметик амалларни аниқ бажариш натижасида масаланинг аниқ ечимини топиш мумкин. Хаммага маълум булган Крамер коидаси аниқ усулга мисол була олади. Лекин, Крамер коидаси амалда жуда кам кулланилади, чунки бу усул билан "n"-тартибли чизикли алгебраик тенгламалар системасини ечганда нихоятда кўп арифметик амалларни бажаришга тугри келади.

Биз ҳисоблаш учун тежамли булган "Гаусс" аниқ усулини куриб чикамиз. Булар номаълумларни кетма-кет йукотиш гоёсига асосланган.

Итерацион (кетма-кет яқинлашиш) усуллар шу билан характерланадики, чизикли алгебраик тенгламалар системасининг ечими кетма-кет яқинлашишларнинг лимитидек топилади.

Итерацион усулларни куллаётганда факат уларнинг яқинлашишларигина эмас, балки яқинлашишларнинг тезлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Бу маънода ҳар бир итерацион усул универсал булавермайди.

Бу усуллар айрим системалар учун жуда тез яқинлашиб, бошқа системалар учун секин яқинлашиши ёки умуман яқинлашмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам итерацион усулларни куллаётганда системани аввал тайёрлаб олиш керак. Бунинг маъноси шундан иборатки берилган системани унга тенг кучли булган шундай системага алмаштириш керакки, ҳосил булган система учун танланган усул тез яқинлашсин.

ГАУСС УСУЛИ

Гаусснинг номаълумларни кетма-кет йукотиш усули чи-зикли алгебраик тенгламалар системасини ечиш усуллари ичида энг универсал ва энг самаралисидир. Соддалик учун туртта номаълумли туртта чизикли система учун Гаусс усулини куриб чикамиз.

Ушбу система берилган булсин:

$$\begin{cases} a_{11}x_1 + a_{12}x_2 + a_{13}x_3 + a_{14}x_4 = b_1; \\ a_{21}x_1 + a_{22}x_2 + a_{23}x_3 + a_{24}x_4 = b_2; \\ a_{31}x_1 + a_{32}x_2 + a_{33}x_3 + a_{34}x_4 = b_3; \\ a_{41}x_1 + a_{42}x_2 + a_{43}x_3 + a_{44}x_4 = b_4, \end{cases} \quad (3)$$

Бу ерда $x_i (i=1,4)$ - номаълум сонлар, $a_{ij} (j=1,4)$ ва $b_i (i=1,4)$ - маълум коэффициентлар. Кулайлик учун $a_{15} = b_1$, $a_{25} = b_2$, $a_{35} = b_3$, $a_{45} = b_4$ деб оламиз.

Гаусс усулининг тўлиқ тавсифига ўтамыз. Биринчи кадамнинг етакчи элементи деб аталадиган a_{11} коэффицентни нол-дан фаркли деб ҳисоблаймиз. (3) тенгламанинг биринчисининг ҳамма хадлари ни a_{11} га бўлиб, қуйидагига эга бўламиз:

$$x_1 + b_{12}x_2 + b_{13}x_3 + b_{14}x_4 = b_{15} \quad (4)$$

бу ерда

$$b_{1j} = \frac{a_{1j}}{a_{11}} \quad (j = 2, 3, 4, 5).$$

(4) тенгликдан фойдаланиб (3) системанинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи тенгламаларидан x_1 номаълумни йўқотамиз. Бунинг учун (4) тенгламани a_{21} , a_{31} ва a_{41} га купайтириб натижани мос равишда системанинг иккинчи, учинчи ва туртинчи тенгламаларидан айириш керак. У ҳолда уч номаълумли қуйидаги системага эга бўламиз:

$$\begin{cases} a_{22}^{(1)}x_2 + a_{23}^{(1)}x_3 + a_{24}^{(1)}x_4 = a_{25}^{(1)}; \\ a_{32}^{(1)}x_2 + a_{33}^{(1)}x_3 + a_{34}^{(1)}x_4 = a_{35}^{(1)}; \\ a_{42}^{(1)}x_2 + a_{43}^{(1)}x_3 + a_{44}^{(1)}x_4 = a_{45}^{(1)}, \end{cases} \quad (5)$$

бу ерда

$$a_{ij}^{(1)} = a_{ij} - a_{i1}b_{1j} \quad (i=2,3,4, j=2,3,4,5) \quad (6)$$

Энди шу системани узгартириш билан шугулланамиз.

Иккинчи кадамни бажаришга утишдан олдин, иккинчи кадамнинг етакчи элементи деб аталадиган $a_{22}^{(1)}$ элементни нолдан фаркли деб фараз этамиз (акс ҳолда тенгламаларнинг ўрнини тегишли равишда алмаштириш лозим). (6) системанинг биринчи тенгламасини $a_{22}^{(1)}$ га бўламиз, у ҳолда

$$x_2 + b_{23}^{(1)}x_3 + b_{24}^{(1)}x_4 = b_{25}^{(1)} \quad (7)$$

бу ерда

$$b_{2j}^{(1)} = \frac{a_{2j}^{(1)}}{a_{22}^{(1)}} \quad (j = 3, 4, 5)$$

Юқоридагига ўхшаш x_2 ни йўқотамиз, у ҳолда

$$\begin{cases} a_{33}^{(2)}x_3 + a_{34}^{(2)}x_4 = a_{35}^{(2)}; \\ a_{43}^{(2)}x_3 + a_{44}^{(2)}x_4 = a_{45}^{(2)}, \end{cases} \quad (8)$$

системага эга бўламиз, бу ерда

$$a_{ij}^{(1)} = a_{ij}^{(1)} - a_{ij}^{(1)}b_{2j}^{(1)} \quad (i = 3, 4; j = 3, 4, 5) \quad (9)$$

(9) нинг биринчи тенгламасини a_{33} га бўламиз, у ҳолда

$$x_3 + b_{34}^{(2)} x_4 = b_{35}^{(2)}$$

бўлади, бу ерда

$$b_{34}^{(2)} = \frac{a_{34}^{(2)}}{a_{33}^{(2)}}, \quad b_{35}^{(2)} = \frac{a_{35}^{(2)}}{a_{33}^{(2)}}.$$

Бу тенглама ёрдамида (8) системанинг иккинчи тенгламасидан x_3 ни йўқотамиз. қуйидаги тенгламага эга бўламиз:

$$a_{44}^{(3)} x_4 = a_{45}^{(2)},$$

бу ерда

$$a_{4j}^{(3)} = a_{4j}^{(2)} - a_{43}^{(2)} b_{3j}^{(2)} \quad (j = 4, 5). \quad (10)$$

Шундай қилиб (3) системани учбурчак матрицали ўзига тенг кучли бўлган қуйидаги системага келтирдик:

$$\begin{cases} x_1 + b_{12} x_2 + b_{13} x_3 + b_{14} x_4 = b_{15}; \\ x_2 + b_{23}^{(1)} x_3 + b_{24}^{(1)} x_4 = b_{25}^{(1)}; \\ x_3 + a_{34}^{(2)} x_4 = b_{35}^{(2)}; \\ a_{44}^{(3)} x_4 = b_{45}^{(2)}. \end{cases} \quad (11)$$

Бу ерда кетма-кет қуйидагиларни аниқлаймиз:

$$\begin{cases} x_4 = \frac{a_{45}^{(2)}}{a_{44}^{(3)}}; \\ x_3 = b_{35}^{(2)} - b_{34}^{(2)} x_4; \\ x_2 = b_{25}^{(1)} - b_{24}^{(1)} x_4 - b_{23}^{(1)} x_3; \\ x_1 = b_{15} - b_{14} x_4 - b_{13} x_3 - b_{12} x_2. \end{cases} \quad (12)$$

БОШ ЭЛЕМЕНТЛАР УСУЛИ.

Гаусс усулида етакчи элементлар доим нолдан фарқли бў-лавермайди. Еки улар нолга яқин сонлар бўлиши мумкин: бундай сонларга бўлганда катта абсолют хатога эга бўлган сонлар ҳосил булади. Бунинг натижасида тақрибий ечим аниқ ечимдан сезиларли даражада четлашиб кетади.

Ҳисоблаш хатосининг бундай таъсиридан қутилиш учун Гаусс усули бош элементни танлаш йўли билан қўлланилади. Бунинг Гаусс усулининг компакт схемасидан фарқи қуйидагидан иборат. Фараз қилайлик, номаълумларни йўқотиш жараёнида қуйидаги системага эга бўлган бўлайлик:

[illegible]

Энди $\left| \mathbf{a}_{m+1,k}^{(m)} \right| = \max \left| \mathbf{a}_{m+1,j}^{(m)} \right|$ тенгликни қаноатлантирадиган k -номери то-
пиб, узгарувчиларни қайта белгилаймиз: $x_{m+1}=x_k$ ва $x_k=x_{m+1}$. Сунгра $(m+2)$
тенгламадан бошлаб, барчасидан x_{m+1} номаълумни йўқотамиз. Бундай қайта
белгилашлар йўқотиш тартибини ўзгартиришга олиб келади ва кўп ҳолларда
хисоблаш хатосини камайтиришга хизмат қилади.

ОДДИИ ИТЕРАЦИЯ УСУЛИ.

Фараз қилайлик, қуйидаги система

$$\mathbf{A}\mathbf{x}=\mathbf{B} \quad (13)$$

бирор усул билан

$$\mathbf{x} = \mathbf{C}\mathbf{x} + \mathbf{f} \quad (14)$$

кўринишга келтирилган бўлсин, бу ерда C -қандайдир матрица, f -вектор устун. Дастлабки яқинлашиш вектори $x^{(0)}$ бирор усул билан (масалан, $x^{(0)}=0$) топилган бўлсин. Агар кейинги яқинлашишлар

$$X^{k+1} = CX^{(k)} + f \quad (k=0, 1, 2, \dots)$$

рекуррент формула ёрдамида топилса, бундай усул оддий итерация усули дейилади.

Агарда C матрица элементлари

$$\sum_{i=1}^n |C_{ij}| \leq a < 1 \quad (i = 1, 2, \dots, n) \quad (15)$$

ва

$$\sum_{i=1}^n |C_{ij}| \leq \beta < 1 \quad (j = 1, 2, \dots, n) \quad (16)$$

шартлардан бирортасини каноатлантирса, у холда итерацион жараён берилган тенгламанинг х ечимига ихтиёрий бошланғич $x^{(0)}$ векторда яқинлашиши исботланган, яъни

$$x = \lim_{k \rightarrow \infty} x^{(k)}.$$

Шундай қилиб, системанинг аниқ ечими чексиз қадамлар натижасида ҳосил қилинади ва ҳосил қилинган кетма-кетликнинг ихтиёрий $x^{(k)}$ вектори тақрибий ечимни беради. Бу тақрибий ечимнинг хатолигини қуйидаги формулалардан бирида ифодалаш мумкин:

$$\left| x_i - x_i^{(k)} \right| \leq \frac{a}{1-a} \max_{j=1,2,\dots,n} \left| x_j^{(k)} - x_j^{(k-1)} \right|, \quad (17)$$

агарда (15) шарт бажарилса, ёки

$$\left| x_i - x_i^{(k)} \right| \leq \frac{\beta}{1-\beta} \sum_{j=1}^n \left| x_j^{(k)} - x_j^{(k-1)} \right|, \quad (18)$$

агарда (16) шарт бажарилса. Бу баҳоларни мос равишда қуйидагича кучайтириш мумкин:

$$m \left| x_i - x_i^{(k)} \right| \leq \frac{a}{1-a} \max \left| x_i^{(k)} - x_i^{(k-1)} \right|,$$

ёки

$$\sum_{j=1}^n \left| x_j - x_j^{(k)} \right| \leq \frac{\beta}{1-\beta} \sum_{j=1}^n \left| x_j^{(k)} - x_j^{(k-1)} \right|.$$

Итерацион процессларни юқоридаги баҳолар олдиндан берилган аниқликни қаноатлантирганда тугаллайдилар.

Бошланғич $x^{(0)}$ вектор, умуман олганда, ихтиёрий танланиши мумкин. Баъзан $x^{(0)}=f$ деб олишади. Аммо $x^{(0)}$ векторнинг ком-поненталари сифатида номаълумларнинг қўпол тахминларда аниқланган қийматлари олинади.

(13) системани (14) кўринишга келтиришни бир неча хил усулларда амалга ошириш мумкин. Фақат (15) ёки (16) шартлардан бирортасининг бажарилиши лозим.

Агарда А-матрица диагональ элементлари нолдан фарқли бўлса, яъни

$$a_{ii} \neq 0 \quad (i=1,2,\dots,n)$$

у холда берилган системани

кўринишда ёзиш мумкин. Бу ҳолда C матрица элементлари қуйидагича аниқланади:

ва (15) ва (16) шартлар мос равишда A матрицани диагонал элемент-лари

шартларни қаноатлантирганда ўринли бўлади, яъни диагонал элементларнинг модуллари, тенгламалар системасининг ҳар бир тенгламаси учун, колган барча коэффициентлар модулларининг йигиндисидан катта бўлса, (озод хадлар бунга кирмайди).

Шу пайтгача биз факат чизикли тенгламалар системасини ечиш усуллари билан танишдик. Энди тенгламалар системаси чизиксиз бўлган хол учун тўхталамиз. Соддалик учун икки номаълумли иккита чизиксиз системани оддий итерация усули билан ечишга тўхталамиз. Бундай система куйидагича ёзилади.

Фараз қилайлик бошлангич x_0, y_0 якинлашишлар берилган бўлсин. Берилган системани қуйидагича ёзамиз:

хамда бу системанинг ўнг томонидаги х ва у ўрнига бошланғич

яқинлашиш x_0, y_0 ни қўйиб биринчи яқинлашишни аниқлаймиз:

$$\begin{cases} x_1 = F(x_0, y_0), \\ y_1 = \Phi(x_0, y_0). \end{cases}$$

Худди шундай иккинчи яқинлашишни аниқлаймиз.

$$\begin{cases} x_2 = F(x_1, y_1), \\ y_2 = \Phi(x_1, y_1). \end{cases}$$

ва умуман

$$\begin{cases} x_n = F(x_{n-1}, y_{n-1}), \\ y_n = \Phi(x_{n-1}, y_{n-1}). \end{cases}$$

Агарда $F(x, y)$ ва $\Phi(x, y)$ функциялар узлуксиз, ҳамда $x_1, x_2, \dots, x_n, \dots$ ва $y_1, y_2, \dots, y_n, \dots$ кетма-кетликлар яқинлашувчи бўлса, у ҳолда уларнинг лимитлари берилган тенгламанинг ечими бўлади.

Энди юқорида келтирилган итерацион жараён яқинлашувчи бўлиши шартларига тўхталамиз.

Теорема. $\bar{X}$ ва $\bar{Y}$ (20) системанинг аниқ ечимлари бўлсин, ҳамда $a < \bar{X} < b$,

$c < \bar{Y} < d$ эканлиги маълум, бундан ташқари $x=a, x=b, y=c$ ва $y=d$ тугри чизиклар билан чегараланган тугри тўртбурчак ичида бошқа ечимлар йук эканлиги ҳам маълум бўлсин. У ҳолда, кўрсатилган тўғри тўртбурчакда қуйидаги

$$\left| \frac{\partial F}{\partial x} \right| \leq P, \quad \left| \frac{\partial F}{\partial y} \right| \leq q_1, \quad \left| \frac{\partial \Phi}{\partial x} \right| \leq P_2, \quad \left| \frac{\partial \Phi}{\partial y} \right| \leq q_2$$

бу ерда $(P_1 + q_2) \leq M < 1$ ва $q_1 + q_2 \leq M < 1$ тенгсизлик бажарилса, итерацион жараён яқинлашади ва бошлангич яқинлашиш x_0, y_0 сифатида тугри тўртбурчакнинг ихтиёрий нуктасини олиш мумкин. Теореманинг исботига тўхталиб ўтирмаймиз.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Векторлар ва матрицалар устида амаллар.
2. Тенгламалар системаси. Масаланинг қўйилиши.
3. Тенгламалар системасини ечиш усуллари.
4. Матрицалар усули.
5. Гаусс усули.

6. Бош элементлар усули.
7. Оддий итерация усул.
8. Оддий итерация усулини яқинлашиш шарти.
9. Чизиқли бўлмаган тенгламалар системаси учун кетма-кет яқинлашиш усули.
10. Чизиқли бўлмаган тенгламалар системаси учун кетма-кет яқинлашиш усулини яқинлашиш шарти
11. Сонли усулларни алгоритми ва ЭХМ программалари ҳақида.

- МАЪРУЗА

Оддий дифференциал тенгламаларни тақрибий ечиш усуллари

Режа:

1. Масаланинг қўйилиши.
2. Рунги-Кутта усули.
3. Дифференциал тенгламалар системасига қўйилган Коши масаласи
- 4.Чегаравий масалалар. Иккинчи тартибли оддий дифференциал тенгламаларни чекли айирмалар усули ёрдамида ечиш**

Адабиётлар:

1. Данилина Н.И. и.др. Численные методы. М., 1976,311-332 бетлар.
2. Воробьёва Г.Н, ДаниловаА.Н. Практикум по вычислительной математике. М. «Высшая школа», 1990, 143-155 бетлар.
3. Шохамидов Ш. Амалий математика унсурлари. Т.Ўзбекистон,1997й, 73-85 бетлар.

Масаланинг қўйилиши

Агар тенгламада номаълум функция ҳосила ёки дифференциал остида қатнашса, бундай тенгламага дифференциал тенглама дейилади. Агар дифференциал тенгламадаги номаълум функция фақат бир ўзгарувчига боқлиқ бўлса, бундай тенгламага оддий дифференциал тенглама дейилади.

« n »- оғдòёёбли оддий дифференциал тенгламанинг умумий кўриниши қуйидагича

$$F(x, y, y', y'', \dots, y^{(n)}) = 0 \quad (1)$$

бу ерда x -эркли ўзгарувчи; y -номаълум функция, $y', y'', \dots, y^{(n)}$ - номаълум функциянинг хосилалари.

(1) ни кўп холларда қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин

$$y^{(n)} = f(x, y, y', y'', \dots, y^{(n-1)}) \quad (2)$$

Бу тенгламага бошланқич масала қуйидагича қўйилади:

(1) дифференциал тенгламанинг шундай ечими $y = \varphi(x)$ ни топиш керакки, бу ечим эркли ўзгарувчи « x » нинг берилган қиймати $x = x_0$ да қуйидаги қўшимча шартларни қаноатлантирсин

$$x = x_0, \text{ да } y = y_0, y' = y'_0, \dots, y^{(n-1)} = y_0^{(n-1)} \quad (3)$$

(3) шартга бошланқич шартлар дейилади,

$x_0, y_0, y'_0, y''_0, \dots, y_0^{(n-1)}$ сонларига ечимнинг бошланқич қийматлари дейилади. Бошланқич шартлар (3) ёрдамида умумий ечимдан хусусий ечимни ажратиб олинади. (2) дифференциал тенгламани ечимини (3) бошланқич шартлар асосида топиш-га Коши масаласи ҳам дейилади.

Дифференциал тенгламаларни аниқ ечимини топиш жуда камдан кам холлардагина учраши мумкин бўлади. Амалиётда учрайдиган кўпдан-кўп масалаларда аниқ ечимини топишни иложи бўлмайди. Шунинг учун дифференциал тенгламаларни ечишда тақрибий усуллар муҳим аҳамиятга эга. Булардан сонли усулларни кўриб чиқамиз.

Рунге - Кутта усули

Биринчи тартибли дифференциал тенгламани

$$y' = f(x, y) \quad (4)$$

$[a, b]$ кесмада бошланқич шарт $x = x_0$ да $y = y_0$ ни қаноат-лантирувчи ечимни топилсин.

$[a, b]$ ёқинида $x_0, x_1, x_2, \dots, x_n$ нукталар билан « n » та тенг бўлакчаларга ажратамиз.

Бу ерда $x_i = x_0 + i h$ ($i = 0, 1, 2, \dots, n$), $h = \frac{b-a}{n}$ - кадам.

У холда (4) дан номаълум функция қийматларини топиш Эйлер формуласини келтириб чиқариш мумкин:

$$y_{k+1} = y_k + h \cdot f(x_k, y_k) \quad k = 0, 1, 2, 3, \dots$$

Рунге-Кутта усули кўп жihatдан Эйлер усулига ўхшаш, ammo аниқлик даражаси Эйлер усулига нисбатан юқори бўлган усуллардан биридир.

Биринчи тартибли дифференциал тенглама қўйилган Коши масаласини ечимини қўйидаги формуладан топилади:

$$y_{i+1} = y_i + \Delta y_i \quad (i=0,1,2,\dots,n)$$

Функцияни ортирмаси Δy_i эса:

$$\Delta y_i = (1/6) (K_1^{(i)} + 2 K_2^{(i)} + 2 K_3^{(i)} + K_4^{(i)})$$

Бу ерда $h=(b-a)/n$ - интеграллаш қадами,

$$K_1^{(i)} = hf_i(x_i, y_i),$$

$$K_2^{(i)} = hf_i(x_i + h/2, y_i + K_1^{(i)}/2),$$

$$K_3^{(i)} = hf_i(x_i + h/2, y_i + K_2^{(i)}/2),$$

$$K_4^{(i)} = hf_i(x_i + h, y_i + K_3^{(i)}).$$

Дифференциал тенгламалар системасига
қўйилган Коши масаласи

Биринчи тартибли дифференциал тенгламалар системасига қўйилган Коши масаласини

$$y_i' = F_i(x, y) \quad (5)$$

$$i = \overline{1, n}, \quad y = (y_1, y_2, \dots, y_n), \quad y(x_0) = y^{(0)} = (y_1^{(0)}, \dots, y_n^{(0)}).$$

ечимини қўйидаги формулалардан топилади:

$$y_i^{(k+1)} = y_i^{(k)} + \frac{1}{6} (k_1^{(i)} + 2 k_2^{(i)} + 2 k_3^{(i)} + k_4^{(i)})$$

бу ерда

$$k_1^{(i)} = F_i(x^{(k)}, y^{(k)})h, \quad k_2^{(i)} = h F_i(x^{(k)} + h/2, y^{(k)} + k_1/2)$$

$$k_3^{(i)} = h F_i(x^{(k)} + h/2, y^{(k)} + k_2/2), \quad k_4^{(i)} = h F_i(x^{(k+1)}, y^{(k)} + k_3)$$

$$k_s = (k_s^{(1)}, k_s^{(2)}, \dots, k_s^{(n)}), \quad s = \overline{1, 4}, \quad y^{(k)} = (y_1^{(k)}, y_2^{(k)}, \dots, y_n^{(k)})$$

$$h=(x_j-x_0)/m,$$

Чегаравий масалалар.

Иккинчи тартибли оддий дифференциал тенгламаларни чекли айирмалар усули ёрдамида ечиш

Чегаравий масалаларни ечиш Коши масалаларига нисбатан анча мураккаб бўлганлиги сабабли, бу кўринишдаги масалалар баъзи ҳолларда Коши масаласига келтириб ечилади, кўпчилик ҳолларда эса чекли айирмали усуллардан фойдаланилади, ма-салан прогонка усули, дифференциал прогонка усули ва бошқа-лар.

Бу кўринишдаги тенгламалар тўқимачилик, пахта ва пиллани дастлабки ишлаш, ип, йигирув жараёнларини математик мо-деллари сифатида кўплаб учрайди.

Масаланинг қўйилиши. Иккинчи тартибли оддий. Дифферен-циал тенглама чегаравий шартлар билан берилган бўлсин:

$$A(x)y''+B(x)y'+C(x)y(x)=F(x) \quad (6)$$

$$\alpha_1 y'(0)+\beta_1 y(0)=\gamma_1 \quad (7)$$

$$\alpha_2 y'(0)+\beta_2 y(0)=\gamma_2 \quad (8)$$

бу ерда

$$\begin{aligned} A(x) &\neq 0, \\ 0 &< x < 1, \\ |\alpha_{ii}|+|\beta_i| &\neq 0, \quad i=1,2. \end{aligned}$$

Чекли айирмалар ҳақида тушунча. Декарт координаталар системасини тўр билан қоплаймиз.

Яъни ихтиёрий $\{a,b\}$ ораликни N та қисмга бўламиз ва h қадамли тўр ҳосил қиламиз:

$$h=(b-a)/N; \quad x_i=x_0+ih, \quad x_0=a, \quad x_N=b, \quad i=0,1,\dots,N;$$

бу ерда N оралиқлар сони.

Тенглама коэффицентлари, номаълум функция ва унинг ҳосилаларининг x_i нуқтадаги қийматлари қуйидаги муносабатлар билан берилади:

$$A(x_i)=A_i, \quad B(x_i)=B_i, \quad C(x_i)=C_i, \quad F(x_i)=F_i, \quad y(x_i)=y_i.$$

$$y'(x_i) \approx (y_{i+1}-y_{i-1})/h, \quad y''(x_i) \approx (y_{i+1}-2y_i+y_{i-1})/h^2$$

$$\text{Баъзан } y'(x) \text{ ни } y'(x_i) \approx (y_i-y_{i-1})/h \text{ ёки } y'(x_i) \approx (y_{i+1}-y_{i-1})/2h$$

Кўринишда ҳам ёзиш мумкин.

У ҳолда тенгламани $x = x_i$ нуктадаги ифодаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$A_i \frac{y_{i+1} - 2y_i + y_{i-1}}{h^2} + B_i \frac{y_{i+1} - y_{i-1}}{2h} + C_i y_i = f_i$$

ёки
бу ерда

$$\bar{A}_i y_{i-1} + \bar{B}_i y_i + \bar{C}_i y_{i+1} = \bar{F}_i \quad (8)$$

$$\bar{A}_i = A_i - h B_i / 2 \quad \bar{B}_i = h^2 C_i - 2A_i$$

$$\bar{C}_i = A_i + h B_i / 2 \quad \bar{F}_i = h^2 f_i$$

$$\alpha_1 (y_1 - y_0) / h + \beta_1 y_0 = \mu_1 \quad (9)$$

$$\alpha_1 (y_N - y_{N-1}) / h + \beta_2 y_N = \mu_2 \quad (10)$$

Чекли айирмалари масалани ечишнинг жуда кўп усуллари мавжуд, масалан, прогонка, дифференциал прогонка, протокли прогонка, ортогонал прогонка, вариацион усуллар ва бошқалар.

Биз (8)-(10) масалани потокли прогонка усули билан ечамиз. Соддалик учун $A_i \neq 0$ коэффицентларни ўзгармас деб оламиз, ўзгарувчи бўлса тенгламанинг ҳар икки томонини A_i га бўлиб юборамиз. Натижада тенгламанинг кўриниши

$$\begin{aligned} Ay'' + B(x)y' + C(x)y &= f(x) \\ (Ay')' + B(x)y' + C(x)y &= f(x) \end{aligned} \quad \text{шаклида бўлади, ёки}$$

Белгилаш киритамиз $Ay' = W(x)$, у ҳолда тенгламани қуйидагича ёзамиз

$$\begin{cases} W'(x) + B(x)y' + C(x)y = f(x) \\ Ay' = W(x) \end{cases} \quad (11)$$

чегаравий шартлар:

$$\alpha_1 W_0 / A + \beta_1 y_0 = \mu_1 \quad (12)$$

$$\alpha_1 W_N / A + \beta_2 y_N = \mu_2 \quad (13)$$

(11) нинг 2-сини x_i дан x_{i+1} оралиқда интеграллаймиз, у ҳолда

$$A \frac{y_{i+1} - y_i}{h} = W_{i+1/2} \quad (14)$$

ва (11) нинг 1-сини x_i дан x_{i+1} гача интегралласак

$$\frac{W_{i+1/2} - W_{i-1/2}}{h} + \frac{B_i W_{i+1/2} - W_{i-1/2}}{A^2} + C_i y_i = f_i \quad (15)$$

хосил бўлади.

(15) тенглик ва (12)-(13) чегаравий шартларни қулай кўринишга келтириб, сўнгра ечимни

$$W_{i+1/2} = \frac{A}{h}(\alpha_{i+1}y_{i+1} + \beta_{i+1}) \quad (16)$$

кўринишда излаймиз.

Бу ерда $(\alpha_{i+1} \dots \beta_{i+1})$ прогонка коэффицентлари деб аталади ва бир қанча амалларни бажаргандан сўнг уларни ҳисоблаш алгоритмларини кўринишини хосил қиламиз, яъни

$$\alpha_1 = \frac{h(2A_1\beta_1 - B_1h\beta_1 + C_1h\alpha_1)}{2A_1h\beta_1 - B_1h^1\beta_1 + C_1h^2 - 2A_1\alpha_1} \quad (17)$$

$$\beta_1 = \frac{hA_1h(C_1\mu_1 - B_1f_0) - \mu_1(2A_1B_1 - C_1hB_1 + C_1h\alpha_1)}{b_12A_1hB_1 - A_1h^2b_1 + C_1h^2 - 2A_1\alpha_1} \quad (18)$$

$$\alpha_{i+1} = \frac{C_ih^2 + (B_ih - 2A_i)\alpha_i}{C_1h^2 + (B_ih - 2A_i)\alpha_i - (B_ih + 2A_i)} \quad (19)$$

$$\beta_{i+1} = \frac{(b_ih - 2a_i)\beta_i - 2h^2f_i}{2C_1h^2 + (b_ih - 2a_i)\alpha_i - (b_ih + 2C_i)} \quad (20)$$

$$i=0,1,2,\dots,N-1$$

$$y_N = \mu_2$$

$$y_i = (1 - \alpha_{i+1})y_{i+1} - \beta_{i+1}, \quad i=N-1, N-2, \dots, 0 \quad (21)$$

Назорат саволлари

1. Коши масаласининг қўйилиши.
2. Чегаравий масаланинг қўйилиши.
4. Рунге-Кутта усули.
5. Дифференциал тенгламалар системасига қўйилган Коши масаласи.
6. Дифференциал тенгламалар системаси учун Рунге-Кутта усули.
7. Иккинчи тартибли оддий дифференциал тенгламаларни чекли айирмалар усули ёрдамида ечиш.

(1.1) формула иктисодий маънода излананаётган микдорларга куйиладиган чекланишларни ифодалайди, улар ресурслар микдори, маълум талабларни кондириш зарурати, технология шароити ва бошқа иктисодий ҳамда техни-

кавий факторлардан келиб чиқади. (1.2) шарт узгарувчиларнинг яъни изланаётган микдорларнинг манфий булмаслик шарти булиб хисобланади. (1.3) формула максад функцияси дейилиб, изланаётган микдорнинг бирор боғланишини ифодалайди (ишлаб чиқариш маҳсулотларини сотишдан келадиган фойда, маълум микдордаги ишни бажаришга сарф булган харажат ва х.к.).

Агар максад функцияси иктисодий факторларни ифодаласа, у холда функциянинг максимум киймати изланади, акс холда минумни излаш керак булади. Номалумларнинг сон кийматлари туплами масаланинг плани дейилади. Чекланишлар системасини каноатлантирувчи ҳар қандай план мумкин булган план дейилади. Максад функциясига максимал(минимал) киймат берувчи мумкин булган план оптимал план дейилади. Агар чекланишлар системасида фақат тенгликлар ишлатилса чизикли программалаштириш масаласи каноник формада берилган булади, акс холда симметрик формага эга булади.

1.3. Чизикли программалаштириш масаласини ечишнинг Симплекс методи.

Куйидаги чизикли программалаштириш масаласи берилган булсин.

$$\sum_{j=1}^n a_{ij} x_j \leq b_i \quad (i=1, m) \quad (1.7)$$

$$x_j \geq 0 \quad (j=1, n) \quad (1.8)$$

$$Z = \sum_{j=1}^n c_j x_j \rightarrow \max \quad (1.9)$$

Симплекс методи чизикли программалаштириш масаласини ечишнинг асосий методларидан бири булиб, кетма кет яқинлашиш усули ердамида $x_1, x_2, \dots, x_n$ узгарувчиларнинг шундай оптимал кийматини топадики, бу кийматлар максад функциясиги максимал (ёки минимал) киймат беради. Бу метод ҳозирги кунда кенг микёсда ишлатилиб ШЭХМлар учун амалий пакет дастурлари ишлаб чиқилган.

Масалани ечиш учун симплекс жадвал курамиз ва симплекс методи гоёсини бериш учун (1.7)-(1.9) масалани куйидагича езамиз.

$$y_1 = b_1 - a_{11}x_1 - a_{12}x_2 - \dots - a_{1s}x_s - \dots - a_{1n}x_n \geq 0$$

$$y_2 = b_2 - a_{21}x_1 - a_{22}x_2 - \dots - a_{2s}x_s - \dots - a_{2n}x_n \geq 0$$

$$\dots \dots \dots$$

$$y_r = b_r - a_{r1}x_1 - a_{r2}x_2 - \dots - a_{rs}x_s - \dots - a_{rn}x_n \geq 0$$

$$\dots \dots \dots$$

$$y_m = b_m - a_{m1}x_1 - a_{m2}x_2 - \dots - a_{ms}x_s - \dots - a_{mn}x_n \geq 0$$

$$x_j \geq 0$$

$$Z = c_1x_1 + c_2x_2 + \dots + c_sx_s + \dots + c_nx_n \rightarrow \max$$

Бу ерда y_i - базис узгарувчилар дейилади.

Куйидаги белгилашлар киритамиз $b_{i0}=b_i$; $b_{i,j}=a_{i,j}$; $b_{0j}=c_j$ ва симплекс жадвал тузамиз.

Жадвал 1.1

БУ	1	$-X_1$	$-X_2$		$-X_s$		$-X_n$
y_1	b_{10}	b_{11}	b_{12}		b_{1s}		b_{1n}
y_2	b_{20}	b_{21}	b_{22}		b_{2s}		b_{2n}
. . .							
y_s	b_{r0}	b_{r1}	b_{r2}		b_{rs}		b_{rn}
. . .							
y_m	b_{m0}	b_{m1}	b_{m2}		b_{ms}		b_{mn}
z	b_{00}	b_{01}	b_{02}		b_{0s}		b_{0n}

Чизикли программалаш масаласи (1.7), (1.8) ва (1.9) ни симплекс методи ёрдамида ечиш икки боскичдан иборат:

- 1.Бошлангич таянч планни топиш.
- 2.Таянч планлар ичидан масаланинг оптимал планини топиш.

1.Боскич. Бошлангич таянч планни топиш.

Бошлангич таянч планни топиш куйидаги алгоритмдан иборат:

- 1.Симплекс жадвалдан хал килувчи элементни топиш:

1.1.Хал килувчи элементни топиш олдин хал килувчи устунни топишдан бошланади. Бунинг учун озод хадлар устунига каралади. Агар озод хадлар устунигадаги элементлар хаммаси мусбат булса бу бошлангич план таянч план булади ва иккинчи этапга утилади. Агар манфий элемент мавжуд булса улардан модул буйича энг каттаси танланади(агар битта булса шу элемент узи олинади). Мисол учун айтайлик бу элемент b_{r0} булсин. Шу b_{r0} элемент турган r сатр каралади. Агар сатр элементларидан хаммаси мусбат булса, масаланинг ечими мавжуд булмайди(бу холда хисоблашлар шу жойда тухтатилади). Агар сатрда манфий элемент мавжуд булса улардан модул буйича энг каттаси танланади(агар битта булса узи олинади). Шу элемент турган устун хал килувчи устун дейилади. Мисол учун бу s -чи устун булсин.

1.2.Хал килувчи сатр топилади. Хал килувчи сатрни топиш учун хал килувчи устун элементларини озод хадларга булиб чикилади ва улардан мусбатларининг энг кичиги танланади, яъни

$$\min \left\{ \frac{b_{1s}}{b_{10}}, \frac{b_{2s}}{b_{20}}, \dots, \frac{b_{rs}}{b_{r0}}, \dots, \frac{b_{ms}}{b_{m0}} \right\} .$$

Айтайлик бу нисбатлар ичида мусбатларнинг энг кичиги b_{rs}/b_{r0} булсин. У холда шу b_{rs} элемент турган сатр хал килувчи сатр дейилади, b_{rs} элементнинг узи эса хал килувчи элемент булади.

2.Хал килувчи устун ва сатр узгарувчилари уринларини алмаштирилади, (яъни x_s ва y_s янги жадвалда уринлари алмашади).

3.Жадвалда симплекс алмаштириш бажарилади.

3.1.Хал килувчи устун элементлари уз ишорасини узгартиради (хал килувчи элементдан ташкари). Хал килувчи элемент 1 га тенглаштирилиб олинади.

3.2.Хал килувчи устун элементлари.хал килувчи элементга (яъни b_{rs} га) булиб чикилиб янги жадвалга ёзилади.

3.3.Хал килувчи сатр элементлари хал килувчи элементга булиб чикилиб янги жадвалга ёзилади.

3.4.Янги симплекс жадвалнинг колган элементлари куйидаги формула оркали топилади.

$$b_{ij} = \frac{b_{ij} b_{rs} - b_{is} b_{rj}}{b_{rj}} \quad \text{ёки} \quad b_{ij} = b_{ij} - \frac{b_{is} b_{rj}}{b_{rs}}$$

Янги жадвалда b_{ij} -элементни хисоблашда эски таблицадан, b_{ij} , b_{is} , b_{rj} , b_{rs} -элементларини топиш куйидагича булади:

b_{ij} - b_{ij} элементнинг эски жадвалдаги унга мос элемент;

b_{is} - b_{ij} элемент турган сатр билан b_{rs} хал килувчи элемент устунни кесишмасидаги элемент;

b_{rj} - b_{ij} элемент турган устун билан b_{rs} хал килувчи элемент сатри кесишмасидаги элемент;

b_{rs} - хал килувчи элемент.

Жадвал 1.2

БУ	1	$-x_1$	$-x_2$		$-y_s$		$-x_n$
y_1	b_{10}	b_{11}	b_{12}		$-b_{1s}/b_{rs}$		b_{1n}
y_2	b_{20}	b_{21}	b_{22}		$-b_{2s}/b_{rs}$		b_{2n}
. . .							
x_s	b_{r0}/b_{rs}	b_{r1}/b_{rs}	b_{r2}/b_{rs}		$-b_{rs}/b_{rs}$		b_{rn}/b_{rs}
. . .							
y_m	b_{m0}	b_{m1}	b_{m2}		$-b_{ms}/b_{rs}$		b_{mn}
z	b_{00}	b_{01}	b_{02}		$-b_{0s}/b_{rs}$		b_{0n}

4.Янги топилган симплекс жадвалда таянч план мавжуд булса иккинчи этапга, яъни оптимал планни топишга утилади, акс холда юкоридаги процесс янги жадвал учун токи таянч план топилгунча кайта такрорланади.

2.Боскич. Оптимал планни топиш.

Агар 1 этапдан олинган таянч планнинг симплекс жадвалдаги сатр элементлари (озод хади b_{00} дан ташкари) хаммаси мусбат булса бу олинган бошлангич таянч план ягона ва у масаланинг оптимал плани (ечими) булади. Агар z сатрдаги хамма мусбат элементлардан камида биттаси нулга тенги то-

пилса, у холда масаланинг чексиз куп оптимал плани мавжуд булади. Агар z сатрдаги элементлардан хач булмаганда биттаси манфий булса оптимал план куйидаги алгоритим буйича топилади;

1. Хал килувчи элементни топиш.

1.1. Хал килувчи устун топилади. z -катордаги манфий элементларнинг модул буйича энг каттаси (битта булса узи) танланади. Шу элемент турган устун хал килувчи устун булади.

1.2. Хал килувчи сатр топилади. Хал килувчи устун элементлари озод хадлар элементларига булиб чикилади ва улардан мусбатларининг энг кичиги олинади, яъни биринчи этапдаги 1.2. пунктдаги каби. Бу сонга мос килувчи устундаги элемент хал килувчи элемент ва шу элемент турган сатр эса хал килувчи сатр булади.

2. Хал килувчи сатр ва устун узгарувчилар уз жойларини алмаштиради (агарда хали улар алмаштирилмаган булса).

3. Жадвалда симплекс алмаштириш бажарилади. Симплекс алмаштириш 1-этапдаги 3.1, 3.2, 3.3, 3.4. пунктлар каби булади.

4. Янги топилган жадвалнинг z сатри каралади. Агар z катордаги хамма элементлар мусбат булса, олинган охирги план масаланинг оптимал плани булади. Акс холда юкоридаги 1, 2, 3 пунктлар яна такрорланади, токи оптимал план топилгунча.

Чизикли программалаштириш масаласида агар максад функциясининг минумими изланса юкоридаги 1-чи боскич тулигича уринли булиб, 2-боскичда эса факат z -катор элементлари манфий холатга келтирилиши керак (яъни тескари холат) булади. Хал килувчи килиб устун мусбат элементининг энг каттаси танланади.

1-мисол

$$z = 5x_1 - x_2 + 3x_3$$

чизикли функцияни максимум киймат берувчи

$$x_1 + x_2 + x_3 \leq 2$$

$$4x_1 + 2x_2 + x_3 \leq 3$$

$$x_1 - x_2 + 2x_3 \leq -1$$

$$-3x_1 + 2x_2 - 2x_3 \leq 5$$

$$x_1 \geq 0, x_2 \geq 0, x_3 \geq 0$$

чегаравий системасининг мумкин булган ечимлари сохасида номаълумлар топилсин. Чегаравий системани куйидаги куринишда езиб оламиз:

$$y_1 = -x_1 - x_2 - x_3 + 2 \geq 0$$

$$y_2 = -4x_1 - 2x_2 - x_3 + 3 \geq 0$$

$$y_3 = -x_1 + x_2 - 2x_3 - 1 \geq 0$$

$$y_4 = 3x_1 - 2x_2 + 2x_3 + 5 \geq 0$$

$$x_1 \geq 0, x_2 \geq 0, x_3 \geq 0$$

Жадвал тузамиз:

	1	$-x_1$	$-x_2$	$-x_3$
$y_1=$	2	1	1	1
$y_2=$	3	4	2	1
$y_3=$	-1	1	-1	2
$y_4=$	5	-3	2	-2
$z=$	-5	1	-3	0

х ларни кийматлари манфий булмаслиги хакида шарт берилганлигини хисоб-га олиб, тугридан-тугри таянч ечимини топишга киришамиз. Озод хадлар ичида -1 манфий ишорали коэффицент бор. Шу каторни хал килувчи катор деб олиб, хал килувчи устунни аниклаймиз. 1- койидага асосан:

$$\min\{2/1, 3/1, -1/-1, 5/2\}=1/1=1$$

	1	$-x_1$	$-y_3$	$-x_3$
$y_1=$	1	2	1	3
$y_2=$	1	6	2	5
$y_3=$	1	-1	-1	-2
$y_4=$	3	-1	2	2
$z=$	-1	-4	1	-1

Озод хадлар мусбат булганлиги учун таянч ечими мавжуд. Энди оптимал ечимини топиш учун z каторига караймиз. Бу каторда иккита манфий ишорали коэффицент бор. Булардан абсолют киймати катта булган коэффицентни танлаб оламиз. Хал килувчи элемент

$$\min\{1/2, 1/6, 1/-1, 3/-1\}=1/6$$

ни аниклаб янги жадвал тузамиз:

	1	$-y_2$	$-y_3$	$-x_3$
$y_1=$	$2/3$	$-1/3$	$1/3$	$4/3$
$y_2=$	$1/6$	$1/6$	$1/3$	$5/6$
$y_3=$	$7/6$	$1/6$	$-2/3$	$-7/6$
$y_4=$	$19/6$	$1/6$	$7/3$	$17/6$
$z=$	$-1/3$	$2/3$	$7/3$	$7/3$

